*Тадбиркорларнинг сиртқи мактаби*

## НАРХЛАР ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНАДИ?

Баҳо (нарх) сиёсати иқтисодиётда энг муҳим ва мураккаб ижтимоий-иқтисодий масалалардан бири бўлиб келган. Жамиятда ҳамма нарсанинг ўз баҳоси, яъни ҳар бир маҳсулотнинг, ҳар бир кўрсатилаётган хизмат турининг аниқ бир нархи мавжуд. Ҳатто бизнинг меҳнатимиз ҳам иш ҳақи белгилаш билан баҳоланади. Шу билан бирга ҳар бир киши ўзи сотаётган нарсасига маълум бир баҳодаги пулни олади ва хоҳлаган нарсасини сотиб олиши мумкин.

Хўш, бозор иқтисодиёти шароитида нархлар қандай белгиланади ва улар қай тартибда амал қилади?

Бозор иқтисодиётида икки хил нарх мавжуд: эркин бозор нархлари ва давлат бошқариб турадиган нархлар. Лекин биринчи турдаги нархлар бозор иқтисодиёти мавжуд давлатларда асосийси бўлиб ҳисобланади. Чунки ишлаб чиқарилаётган ҳар бир маҳсулот ва хизмат баҳосини бозор белгилайди. Бунда бозор тадбиркорлардан истеъмолчиларга маъқул келадиган нархларни ўрнатишни талаб этади. Бунинг учун авваламбор маҳсулот ишлаб чиқарувчи ўзининг ишлаб чиқариш харажатлари ва фойдасини қўшгани ҳолда нарх белгилашга ҳаракат қилади. Бозор иқтисодиётида маҳсулотларга эркин нарх белгилаш ва уни ўзгартириб бориш асосан истеъмолчилар талаби ва бозордаги рақобатга боғлиқ бўлади. Шунинг учун маҳсулотни ишлаб чиқариш ва унга нарх белгилашдан олдин маълум истеъмолчилар талаби, бозордаги вазият ҳар томонлама ўрганилиб, чуқур таҳлил қилиниши зарур. Бунда нархга бир қанча ташқи ва ички омиллар таъсирини ҳам ҳисобга олиш керак, яъни харажатлар, талаб, рақиблар, нархларни белгилашда ҳукумат тадбирлари ва ҳоказо.

Ҳар қандай фирма фаолияти давомида бозорда ўз ҳиссасини кўпайтиришга, қисқа вақт ичида энг кўп фойда олиш ва бу кўрсаткични узоқ муддат давомида сақлашга ҳаракат қилади. Бунинг натижасида бошқа фирмалар ишлаб чиқариш ва уни ташкил этиш харажатларини камайтириш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ёки ҳар қандай воситалар билан бўлса ҳам энг кўп фойдани қўлга киритиш йўлида турли хил нарх сиёсатидан фойдаланишади. Масалан, баъзи маҳсулотларни ўз нархида сотиб, маҳсулот ҳажмини ошириш ҳисобига юқори фойда олишга интиладилар. Баъзи ҳолларда эса бозорда ҳаддан ташқари кўп ишлаб чиқарувчилар ва кучли рақобат бўлганда ёки истеъмолчилар талаби кескин пасайиб кетиши натижасида, фирма ўз фаолиятини давом эттириш мақсадида маҳсулотларини сотиш учун уларга олдингидан паст нарх белгилашга ҳам мажбур бўлади. Бу ҳол эса корхона ўз харажатларини қоплаб тургунча давом этиши мумкин.

Фирманинг мавжуд мавқеини сақлаш мақсадида тадбиркор қиммат нархларни сақлаган ҳолда доимо маҳсулот сифатини яхшилаш билан шуғулланиши, сифат кўрсаткичлари бўйича бозорда пешқадамликни қўлдан бермасликка ҳаракат қилиши лозим. Фойдани мумкин қадар ошириш учун фирма турли нархлар асосида талаб ва харажатларни аниқлаб, шундай нарх танлаши лозимки, бу нарх фойдани мумкин қадар юқори даражага кўтариши ва харажатларни шу даражада қоплашини таъминласин. Бундай вазиятда фирма молиявий аҳволини ўнглабгина қолмай, балки бозорда ҳам ўз мавқеини мустаҳкамлашга эришади.

Бозор иқтисодиёти шароитида эркин нархлардан ташқари давлат бошқариб турадиган нархлар ҳам мавжуд бўлиб, улар асосан маъмурий тарзда белгиланади.

Бу нархлар бозор иқтисодиётининг ривожланиб бориши билан амал қилиш доираси қисқариб боради. Давлат бу нархларнинг ўзига ёки бозорда ташкил топган нарх шароитида олинадиган фойда миқдорига таъсир этиш орқали бозорни тартибга солиб туради. Иқтисоди ривожланган мамлакатларда давлат (ҳокимият) органлари баҳо сиёсатида икки йўналишда бевосита ва билвосита иштирок этадилар.

Давлат ёки ҳокимият органларининг бевосита иштирок этиши давлат корхоналари маҳсулотларига нарх белгилаш, баҳоларнинг ўсиши ва маошларни бир даражада ушлаб туриш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига кафолатли нархлар белгилаш (масалан, пахтага, буғдойга, пиллага), давлат буюртмалари бўйича сотиб олиш орқали бевосита баҳо сиёсатини ўтказадилар. Махсус қонунлар орқали эса тартибга солиб туриладиган фирмаларга оқилона фойда олишни таъминлайдиган, яккаҳокимликка йўл қўймайдиган нарх белгилашларида билвосита иштирок этадилар. Давлат (ҳокимият) қоидалари нарх белгилашда қуйидаги усулларни ман қилади: рақиблар билан ўзаро келишган ҳолда юқори нарх белгилаш, бир хил маҳсулотни турли савдо корхонасига ҳар хил нархда таклиф этиш, рақибни енгиш мақсадида маҳсулотни таннархидан паст баҳода сотиш, таклиф, яъни ишлаб чиқариш камайган ҳолда нархларни кескин кўтариш, истеъмолчиларни жалб қилиш мақсадида сифатсиз маҳсулотларни реклама қилиш ва ҳоказо.

Умуман олганда нарх механизми ҳар қандай иқтисодиётда жиддий муаммо бўлиб келган. Бозор шароитида нархлар эркинлигини таъминлаш учун биринчи навбатда ишлаб чиқаришда барқарорликка эришиш, рақобатчилик муҳитини шакллантириш энг муҳим омиллардан бири бўлиб келган. Эркин бозор нархлари маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни ҳам, истеъмолчиларни ҳам рағбатлантиришдагина, яъни моддий манфаатдор бўлганда ўз самарасини беради. Шуниси ҳам муҳимки, нархлар механизми ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдорини кўпайтириш, ишлаб чиқаришнинг энг тежамли усулларини излашни ҳам рағбатлантиради.

Ўзбекистонда олиб борилаётган давлатнинг баҳо сиёсати ҳам шунга қаратилган бўлиб, ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш, ундан кейин эса нархларни босқичма-босқич эркинлаштириш ва эркин бозор нархларини вужудга келтиришдан иборатдир. Ҳозирда баъзи тақчил маҳсулотларга ва давлат корхоналаридагина ҳукуматнинг қатъий нархлари ўрнатилган, бозорни шакллантириш мақсадида эса кўпчилик ишлаб чиқариш маҳсулотлари нархлари эркинлаштирилган. Улар ўз ишлаб чиқариш харажатлари ва даромадларини ҳисобга олган ҳолда нарх белгилашлари мумкин.

Шу мақсадда фирмалар бозорга кириш ва уни эгаллаш, мустаҳкам ўрнашиб олиш учун маҳсулотларни сифатли ва паст нархларда сотишлари лозим.

Ражаб МУСУРМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иқтисодиёт институти аспиранти.

***«Шарқ гули» ҳиссадорлик жамияти шаҳримиздаги бадиий буюмлар ишлаб чиқарувчи ягона корхона ҳисобланади. У бир неча йилдан бери бозор иқтисодиётининг янги усули — ҳиссадорлик жамиятига айланиб ишламоқда. Албатта бу янгича муносабат корхона раҳбариятидан тортиб унинг оддий ишчисигача меҳнатга масъулият билан ёндошишни тақозо этади. Буни яхши тушунган жамоа биринчи кундан бошлабоқ эгалик ҳиссини кучайтириб, бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда меҳнат қила бошлади. Янгилик тез кунда ўз самарасини берди. Ишлаб чиқариш ҳажми ошди. Даромад кўпайди. Энг муҳими, маҳсулот сифати яхшиланиб, у жаҳон бозори талабларига жавоб бера оладиган даражага етди.***

*Мулкни — ҳақиқий эгасига*

## ЖАҲОН БОЗОРИНИ КЎЗЛАБ

— Маҳсулотлар тури халқ эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда кўпайиб бормоқда, — дейди жамият раиси Саида Ғаниева. — Шундай қилишга мажбур эдик. Чунки харидоргир маҳсулотлар ҳисобигагина корхона қувватини ошириш мумкин. Дўконларда туриб қолган баъзи эски матоларимизга янгича руҳ бахш этдик. Аёллар учун кўйлак ва халатлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.. Ҳар хил материаллардан болаларга мос костюм ва кўйлаклар тикиб чиқара бошладик. Айниқса янги хилдаги оқ дўппиларимиз харидоргирлиги билан ажралиб турди. Шунингдек, дастурхон, кўрпа ва ёстиқ жилдларини тикишни ўзлаштирдик. Хуллас 70 фоиз буюмларимиз янгиланди.

Корхонани етарли маҳсулот билан таъминлаш тадбирлари ҳам олдиндан кўриб қўйилган. Россиянинг турли шаҳарларидан олиб келинадиган маҳсулотлар таннархи тобора ошиб, устига устак таъминот ёмонлаша бошлагач, маҳаллий корхоналарга мурожаат қилишга тўғри келди. Шунга кўра Тошкент, Фарғона, Марғилон комбинатлари билан маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномалар тузилди. Натижада корхонада хизмат қилаётган мингдан ортиқ чеварлар тўла иш соати билан таъминланишди. Корхонанинг бугунги кундаги ютуғида айниқса Маълума Самиғова бошчилик қилаётган попоп цехи, Нодира Парпибоева раҳбарлигидаги дўппи цехи жамоаларининг муносиб улушлари бор. Мана шу илғорларнинг самарали меҳнатлари эвазига бир ойда бир ярим миллион сўмлик маҳсулот тайёрланадиган бўлди.

— Тўққиз ойлик режамизни 16 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш билан якунладик. Бундай юқори кўрсаткични қўлга киритишда жамоамизнинг ҳар бир аъзоси ўзининг муносиб улушини қўшди, — дейди корхона бош муҳандиси Абдурашид Алимбоев бизга.

«Шарқ гули» чет элликлар билан қўшма корхоналар бунёд этишда ҳам диққатга молик ишларни амалга оширмоқда. Корхонада уч ойдан бери Американинг «Позитив инфлу пешианс» компанияси билан ташкил этилган қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Унинг маҳсулотлари харидоргирлиги билан ўзгалардан фарқ қилади. Қўшма корхона томонидан тайёрланаётган кузги мавсумий кўйлаклар ва костюмларга бўлган буюртмалар тобора кўпайиб бормоқда.

— Истеъмол буюмлари цехи ҳам яқиндан бошлаб яна бир янги маҳсулот билан бойиди, — дейди Саида Ғаниева. — Жамоа чиқинди маҳсулотлардан турли ҳажмдаги совға гиламчаларини тўқиб чиқара бошлади. Ушбу буюмлар дўкон пештахталарига чиқиши билан қўлма-қўл бўлиб кетмоқда. Албатта бозор иқтисодиёти биздан кўпроқ харидоргир маҳсулотларни ишлаб чиқаришни талаб этади. Лекин бу гап билан корхонамиз асосий йўналишини ўзгартириб юборди демоқчи эмасмиз. Бизда қадимдан каштачиликка кенг ўрин берилган. Шуни ҳисобга олиб ўзбек аёллари ҳамиша эъзозлаб келган бу ҳунармандчилик турини янги-янги қирралар билан бойитишга ҳаракат қиляпмиз. Корхонамиз чеварлари томонидан тайёрланаётган сўзана ва палаклар ҳатто жаҳон бозоридан ўз ўрнини топишга ишончимиз комил. Чет элликларнинг корхонамизга бўлган қизиқиши тобора ортиб бораётганлигининг сабаби ҳам ана шундадир.

Корхонанинг бу борадаги келгуси режалари ҳам салмоқли. Масалан, каштачилар яқин кунлар ичида Туркия ва покистонлик ишбилармонлар билан қўшма корхоналар очишни мўлжаллаб туришибди. Ҳозир улар бу ҳақда фикрлашиб, шартномалар тузишга ҳаракат қилишяпти, тажрибалар алмашилмоқда.

— Албатта ҳар бир мустақил корхона биринчи навбатда жаҳон бозорига чиқишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди, — дея сўзини давом эттирди Саида Ғаниева. — Ана шундагина унинг иқтисодий қудрати ҳам, ишлаб чиқариш имконияти ҳам ортади. Биз ҳам жамоамиз билан шу йўлдан бориш саъй-ҳаракатидамиз.

Чиндан ҳам корхона йил сайин дадил қадам ташламоқда. Буни ҳиссадорлик жамиятининг ўтган йилги ойлик кўрсаткичлари билан бу йилгисини таққослашдан ҳам билса бўлади. Мана бир мисол. Жамоа ўтган йилнинг тўққиз ойига нисбатан бу йил шу давр ичида миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарди. Бунинг устига янги халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришдаги қўлга киритилган ютуқларни қўшадиган бўлсак ҳиссадорлик жамияти аъзолари ўз бурчларини сидқидилдан уддалаётганликлари яққол кўзга ташланади.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.



*Владимир Ткачев ўн йилдан бери сув хўжалиги учун чуқурлик насосларини ишлаб чиқарадиган ҳиссадорлик корхонасида ишлаб келмоқда. Ишнинг кўзини билган бу токарь доимо ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

***Шаҳримиздаги Агрегат заводида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар республикамиздаги барча машинасозлик соҳасидаги корхона ва ташкилотлар учун жуда зарурдир. Заводда амалга оширилаётган ишлар хусусида корхона директорининг ўринбосари Баҳодир ПАЙЗИЕВ қуйидагиларни гапириб берди:***

— Ўтган қирқ йил давомида жамоамиз кўп ишларни амалга оширди. Қирқ йил деб таъкидлаганимнинг боиси 1955 йилдан фаолият кўрсата бошлаган оддийгина кичик цех бугунги кунда йирик корхоналар сафидан ўрин олди. Бу ҳазил иш эмас. Чунки ишлаб чиқараётган бир неча турдаги редукторларнинг ўзи иқтисодиётимизга катта фойда келтирмоқда. Шу боисдан ҳам ҳозирги кунда бозор иқтисодиётининг тақчил дамлари изчил ўрганилиб, асосан уч йўналишда маҳсулот чиқаряпмиз. Биринчиси — Тошкент трактор заводида тайёрланадиган тракторлар учун асосий қисмлар. Иккинчиси — Ўзбекистон машинасозлиги ассоциациясига қарашли бешта завод учун редукторлар чиқаряпмиз. Учинчиси — халқ истеъмол буюмларидир. Агарда бу ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз кўрсаткичини ўтган йилларга солиштирадиган бўлсак салмоқли даражада ўсиш юз берганлигини кўрамиз. Ўтган тўққиз ой ичида ўсиш суръати 100,8 фоизни ташкил этди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 33 миллион сўмга етди. Олинган фойда эса 28 миллион сўмдан ошиб кетди.

Бундай натижаларга эришишнинг ўзи бўлгани йўқ. Ўйлаб, етти ўлчаб бир кесиб қўйилган қадамлар эвазига бўлди. Нега десангиз 95 фоиз тўлдирувчи маҳсулотлар подшипниклар, болт, гайка ва бошқа қуйиш воситалари авваллари Львов, Харьков, Барнаул, Волгоград шаҳарларидан келтирилар эди. Ҳозир ишимизда мутлақо бошқа томонга ўзгариш бўлган. Бугунги кунда кўпроқ Ўзбекистон ҳудудидаги корхоналар — Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлиги, Тошкент трактор заводи, «Ўзқишлоқмаш» ва «Тошқишлоқмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаларидан тўлдирувчи маҳсулотлар олаяпмиз.

Янгийўл шаҳридаги «Нормаль» заводидан болт ва шайбалар олиб машинасозликда фойдаланаяпмиз. «Тошкент тўқимачилик машинасозлиги» ва бошқа корхоналардан эса тайёр қуйилган маҳсулотлар олиб ишимизни жонлантираяпмиз.

Бундан ташқари корхона қошида тадбиркорлик билан иш юрита бошлаган кичик корхоналар учун жой ҳам ажратдик. Уларнинг фаолияти халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришда катта роль ўйнаяпти. Масалан «Лилия» кичик корхонаси телевизорлар учун тайёрланадиган столларга ғилдиракли оёқчалар ишлаб чиқармоқда. Илгари айнан шу маҳсулот Днепропетровскдан олиб келинар эди. «Промсервис» кичик корхонаси эса заводда тайёрланган полиэтилен маҳсулотларни қадоқлаш билан шуғулланади. Яна бири эса корхона рамзи туширилган ёрлиқларни тайёрлайди.

Бизда фақат кичик корхона эмас, қўшма корхона ташкил этиш умиди ҳам йўқ эмас. Завод ҳудудида фойдаланса бўладиган 15 минг квадрат метр бўш майдон мавжуд. Фақат яхши ҳамкор керак. Чунки жаҳон бозори юзини кўра оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш истагидамиз. Яқинда Польшадан бир фирманинг вакиллари келиб, ер майдонини кўриб, таклиф ва талабларимиз билан ўртоқлашишди. Яна бир кичкина бўш майдончани афғонистонлик фирма ходимларига ижарага бердик. Улар устки трикотаж кийимлари тайёрлашади. Тайёр маҳсулотнинг асосий қисми завод ишчиларига сотилади. Умуман олганда биз ишлайман деган барча тадбиркор ва ишбилармонлар билан ҳамкорлик қилиш истагидамиз.

Ҳозирги кунда ишларимизни юқори даражага кўтариб олганмиз десам янглишмайман. Сабаби металл прокати доимо танқис бўлар эди. Бу муаммони ҳам ҳал этганмиз. Бекобод металлургия заводи бу борада яқиндан ёрдам бераяпти. Улар билан мустақил шартнома тузиб келганмиз. Бундан ташқари алоҳида бўлим бўлиб ажралиб чиққан маркетинг ва таъминот бўлими маҳсулотларимизни фақат Ўзбекистонда эмас, МДҲ давлатларига ҳам олиб чиқишга кўмакдош бўладилар. Маркетинг бўлимининг сўнгги хабарига кўра бир вақтлар Киев ва Псковдан келтирилган мотор-редукторларга нисбатан заводимизда ишлаб чиқарилган мотор-редуктор анча юқори сифатли ва қувватининг баландлиги билан ажралиб туриши ўз исботини кўрсатаяпти.

Маҳсулотимиз қишлоқ хўжалик ходимларига тез ва ўз вақтида етиб бориши учун бешта вилоятда таянч нуқталари ташкил этганмиз. Ана шу таянч нуқталаридан давлат ва жамоа хўжаликлари ўзларига керакли маҳсулотларни олиб кетаверишади. Агарда ҳар бир хўжалик корхонага келиб-кетаверса, унда йўл учун кўп харажат бўлиши аниқ. Ана шу томонларни ҳам ўйлаб иш қилаяпмиз. Бу иш услубимиз «Завод-истеъмолчи», яъни тўғридан-тўғри алоқа демакдир. Умуман олганда изланишларимиз самараси чакки бўлмаяпти. Яна янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун «ЧПУ» русумли дастгоҳимизни қайта таъмирламоқчимиз. Яқинда Германияда ишлаб чиқарилган «ФФА» линияси фойдаланишга топширилди. Шундай қилиб, дадил босилган қадам туфайли биз ўз имкониятларимиздан келиб чиқиб республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришга оз бўлсада ўз ҳиссамизни қўшмоқдамиз.

Гулнора САЪДУЛЛАЕВА.

*Иш кўзини билганлар*

## ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

# ТОШКЕНТ ТАДБИРКОРИ

## «ЕВРОЎЗ» МАҲСУЛОТЛАРИ ЧЕТ ЭЛДА

«Евроўз» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси бугунги кунда 27 хилдан ортиқ халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқармоқда. Телевизор таглиги, ишхона ва меҳмонхона, ётоқхона йиғмалари, курси ва бошқалар шулар жумласидандир.

Яқинда корхона мебелдан ташқари халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқарадиган махсус цехни ишга туширди. Айни пайтда бу ерда хомсурпдан тикилган тўр халта, қоп ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозирги кунда бу маҳсулот чет элларга ҳам жўнатилмоқда. Тўр халта ва қопларга айниқса Германияда талаб катта. Масалан, шу йилнинг ўзида ана шу маҳсулотлар Германияга бир неча марта жўнатилган эди. Немислар ўзларининг мол ўтказиш тармоғи орқали юқоридаги маҳсулотларни сотиб бермоқда. Куни кеча 50 минг АҚШ долларига тенг қоплар Германияга етиб борди.

Ғулом ЮСУПОВ.

***Хусусийлаштиришнинг иккинчи босқичи асосида шаҳримизда кўп ишлар қилинмоқда. Кўплаб жамоа корхоналари шахсий корхоналарга, давлат корхоналари эса ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилмоқда. Бу борада «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасига қарашли такси саройларнинг ҳиссадорлик жамиятига ўтиб ишлаётганликлари фикримизнинг далилидир. 3 та такси саройи, «РАФ» жамоаси ва 2-таъмирлаш-техника заводлари хўжалик ҳисобида меҳнат қилишаётир. Уларнинг сафи тобора ортмоқда. Шу боис биз яқинда ҳиссадорлик жамиятига ўтганлиги ҳақидаги рухсатномани олган 1-такси саройи раҳбари Баҳодир СУЛТОНОВ билан янги иш усулининг аҳамияти ҳақида суҳбатда бўлдик.***

**— Баҳодир ака, ҳозирги кунда жамоангиз аъзолари янгича усулда қандай ишлашмоқда? Умуман хусусийлаштириш борасидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.**

— Ҳозирги кун талаби асосида иш юритадиган бўлсак, ҳали кўп ишларни амалга оширишимиз керак бўлади. Чунки мустақилликка эришганимиздан буён амалга оширилган ишларнинг сарҳисоби бунинг исботи бўлмоқда.

Жамоамизда меҳнат қилаётган 580 нафардан ортиқ ҳайдовчи, хизматчи ва чилангарларнинг ишида анчагина ўзгариш сезилган. Тўғри, авваллари корхона хусусий бўлармиш деган гап чиқса, унда тушунча мутлақо бошқача бўлар эди. Ҳозир эса раҳбар ҳам, оддий ишчи ҳам хусусийлаштиришнинг афзал томонларини тушуниб етишмоқда. Шунингдек, бизнинг жамоамиз аъзолари ҳам келажакка ишонч руҳида, бор маҳоратларини ишга солган ҳолда меҳнат қилишаётир.

Ишлаб чиқариш жараёнида хусусийлаштирилган ва ҳиссадорлик жамиятига ўтиб ишлаётган корхоналарнинг ишларидан хулоса қилиб, айрим ҳайдовчиларимиз, айниқса кўп йиллик тажрибага эга бўлганлар давр билан ҳамнафас иш олиб бориш керак демоқдалар.

Умуман олганда қайси соҳада бўлмасин хусусийлашган ҳолда иш юритилса, мулк ўз эгасининг қўлига топширилса, ана шунда ишнинг ривожи ҳам юксак даражада бўлади.

**— Демак, бундан кейин шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонлари учун такси хизмати турлари янада ортар экан-да.**

— Албатта, пойтахт шаҳарда бошқа хизматлар сингари такси хизмати ҳам юқори савияда бўлиши керак. Шунинг учун биз энг аввало машиналарнинг турларини янгилашни режалаштиряпмиз. Ҳозирги кунда шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонлари учун 90 та «Даган» фирмасининг енгил машинаси, 40 та «РАФ», 135 та «ГАЗ-24» ҳамда 10 та хўжалик машиналари хизматдадир.

Шуни ҳам айтишим керакки, «ГАЗ-24» русумли машиналарнинг ишлаш қуввати камайиб, улар учун эҳтиёт қисмларни топиш жуда мушкул бўлмоқда. Ҳиссадорлик жамиятига тўлиқ ўтиб, эркин иш бошлаганимиздан кейин, ўзимизнинг валюта ҳисобларимизни очиб олганимиздан сўнг биз «ГАЗ-31» машиналаридан ҳам такси хизмати учун фойдаланмоқчимиз.

Жамоага 1992 йилда охирги марта янги машина олинган. 1993 йилда эса «Даган» енгил машиналари келтирилди. Янги машиналарнинг олиб турилиши ишчиларнинг ишлашига жуда катта таъсир кўрсатади. Уларнинг ишга ва техникага бўлган муносабати мутлақо ўзгача бўлади.

**— Янги келтирилган машиналар навбат асосида бериладими?**

— Йўқ, бунда кўпроқ ишчининг ишга бўлган муносабати, меҳнат стажи, режаларнинг йил давомида бажарилиши, йўл ҳаракати қоидаларига риоя этганлиги ва бошқа ҳамма икир-чикирлар махсус тузилган комиссия орқали текширилиб кейин берилади.

**— Ҳиссадорлик жамиятига ўтиб ишлагандан кейин, бирмунча эркинлик ҳам бўлади. Йўл ҳақини бошқача қилиб белгилашларингиз мумкинми?**

— Йўл ҳақи масаласини давлат тарифи асосида олиб борамиз. Масалан, ҳозирги кунда 1 километр йўл босилса йўловчи 6 сўм тўлайди. Биз эса маданиятли хизмат кўрсата олиб, мижозларимизни мамнун қилишимиз керак. Яъни ҳайдовчи йўловчига нисбатан жуда яхши муомала қилиши лозим. Чунки бизнинг соҳада «Йўловчи ҳақ» деган тушунча устун туради.

**— Бинобарин шундай экан, айрим такси ҳайдовчилар сингари сизнинг жамоангизда ҳам йўловчини алдаш, буюртмасини бажармаслик ҳоллари ҳам учраб турадими? Агар учраса уларга қандай чора кўрилади?**

— Кўз тегмасинку, йил бошидан буён ҳали бундай ҳол содир бўлгани йўқ. Агар бўлиб қолган тақдирда ҳам айбдорга нисбатан жамоанинг ўз қонун-қоидаларига мувофиқ равишда иш кўрилиб, айбдор ишдан бўшатишгача бўлган жазони олади. Енгил машинадаги ҳисоб кўрсаткичлари доимо назоратда бўлиб, ҳар ойда икки марта қаттиқ назоратдан ўтказилади. Ҳисоб кўрсаткичидаги тамға бузилган ёки унинг симлари узилган бўлса, ҳайдовчи жарима тўлаб, тегишли модда билан ишдан бўшатилади.

Бундай нохуш ишлар бўлмаслигининг олдини олиш мақсадида ҳайдовчи ва чилангарлар учун барча шароитлар яратилган. Чунки улар ишни эрта бошлашади. Тонгданоқ корхона ҳовлисидаги чойхонада иссиқ нон ва қайноқ чойлар тайёр туради. Озода ва саранжом бўлишлари учун душхонамиз ҳамиша очиқ. Шунингдек иш билан банд бўлган ҳайдовчининг вақти янада тежалсин деган мақсадда «Тошкент» давлат хўжалигидаги ёрдамчи хўжалигимизда етиштирилаётган мева-сабзавотлар келтирилиб, шу ерда тарқатилади. Яқинда махсус тиш даволаш хонасини фойдаланишга топширдик. Керакли дори-дармонларга корхона ўз ҳисобидан маблағ ажратди. Ишчиларимизнинг меҳнат таътилларига чиқиб кетишаётганда ҳам албатта, моддий ёрдам кўрсатилади.

**— Бундан кейин амалга оширилиши лозим бўлган режаларингиз қандай?**

— Энг аввало барча ҳужжатларни ҳамда ҳисоб рақамларимизни очиб, ўз соҳамизнинг етук мутахассиси сифатида хорижий фирмалар билан дадил иш юритишни йўлга қўйишимиз керак. 1990 йилда корхона ҳудудида бошланган қурилишни охирига етказамиз.. Ҳозир темирчилик ва силлиқлаш устахоналари битказилиб, улар янги иш ўрнида ишлашяпти.

Дарвоқе, корхона режаларини уддалашда ҳамда намунали хизмат кўрсатишда кўп йиллардан буён меҳнат қилаётган ота-бола Рихсибоевлар, Носир Муҳаммаджонов, Тоир Салоҳиддинов, Ҳожи ака Норматов, Эркин Убайдуллаев, Ҳошим Алимов ва бошқаларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Уларнинг маслаҳатлари асосида ёшларни ҳайдовчилик касбига ўргатишни ҳам йўлга қўйдик. Ҳозир 35 нафар ёш йигит корхона ҳисобидан ҳайдовчилик касбига ўқитилмоқда. Хуллас, астойдил енг шимариб, белни маҳкам боғлаб ишлайдиган пайт келди.

Суҳбатдош Гулзода АБДУЛЛА қизи.

*Хусусийлаштириш — давр талаби*

## ЯНГИ УСУЛ АФЗАЛЛИКЛАРИ



*Бозор иқтисодиёти шароитида унинг талабларидан келиб чиққан ҳолда, тадбиркорлик билан ўз фаолиятини юритаётган корхоналар сони тобора ошиб боряпти. Қўшма ва кичик корхоналар, ҳиссадорлик жамиятлари шулар жумласидандир. Шайхонтоҳур туманида иш юритаётган хусусий кичик корхона ҳам буюртмачилар истагига кўра ёғочдан ром ва эшиклар ишлаб чиқармоқда. Ака-ука Абдурашид, Абдужалил, Абдунаби, Абдуфаттоҳ, Абдуқаюм Расуловлар ишлаётган бу хусусий корхона ҳозирги кунда ёғочдан уй жиҳозлари, ром ва эшиклар тайёрламоқда.*

